

Фарзандимга қачондан динни танитай? (иккинчи мақола)



15:00 / 14.08.2021 2655

Тўрт ёш

Тўрт ёшда болалар ҳақиқий тадқиқотчи бўлишади ва ҳамма нарсани ўрганишни хоҳлашади. Бу ёшда фарзандларингизга кўпроқ ҳикоялар ўқиб беришингиз жуда фойдали бўлади. Бундай услуб болангизни жуда яхши тингловчига айлантиради, шу сабабдан унга диний мавзуларни ҳикоя тарзда айтиб бериш зарур.

Беш ёш

Беш ёш бола тарбиясидаги энг асосий нуқта десак, хато бўлмайди. Уни «олтин давр» деб ҳам аташ мумкин. Бу ёшда болалар уй ишларига

қарашишга қизиқишади, шу билан бирга, ҳаммага ёрдам беришни исташади. Ушбу даврда фарзандингиз диний билимларни англай бошлайди.

Олти ёш

Олти ёшли бола кўпинча ўзни кўрсатишга интилади ва ҳар доим биринчи бўлишни истайди. Бу даврда болада мантиқий фикрлаш ривожланади. Унга энди ҳар доимгидан-да кўпроқ вақт ажратишингиз тўғри келади. Энди болага ўқиб бераётганингиз ҳикоядан саволлар беришини сўрашингиз зарур.

Етти ёш

Етти ёш керакли билимларни ўзлаштиришнинг айна пайти. Бола шу ёшгача олган билимларини таҳлил қила бошлайди. Бу даврда болага кичик сураларни ёдлатиш мумкин, аммо катта сураларни ёдлашга мажбурламаслик керак. Баъзи болалар етти ёшда ҳам катта сураларни ёд олиши мумкин. Шунинг учун унинг иқтидоридан келиб чиқиб вазифа берган маъқул.

Ўн ёш

Ўн ёшдаги бола улғайиш даври десак, янглишмаган бўламиз. Бу ёшда ҳам баъзан боланинг характерида инжиқ ва гапга қулоқ солмаслик каби ҳолатлар намоён бўлади. Албатта, булар ўткинчи ҳолатлар. Энди фарзандингиз хато йўлларга кириб кетмаслиги учун дин ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш ва ибодатларда маҳкам бўлишини талаб этиш керак.

Ўн ёшдан кейин

Ўн ёшдан кейин болада балоғат даври бошланади. Бу даврда энди боладан бемалол ибодатларни адо этиб этмаётганини назоратга олишингиз зарур. Шу билан бирга, уларни рўза тутишга ҳам ўргатиб бориш керак.

Бир ҳақиқатни унутманг! Фарзандингиз динни аввало сиздан – ота-онасидан ўрганади. Бу жараённинг самарали ва манфаатли бўлиши эса, албатта, ота-онанинг билимига боғлиқ. Шундай экан, бу вазифани ортга сурманг ва фарзандингизга ёшлиқдан динни ўргатинг. Зеро, ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақшдир.

«Ким ўғил болага таълим берса, бир кишига таълим берибди. Ким қиз болага таълим берса, бутун бошли бир оилага тарбия берибди.

Баъзи қудсий асарларда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннат ҳалқасини биринчи бўлиб ушлайдиган киши менман», деб айтганлар. У зот яна: «Бир аёл жаннатга мендан аввал киришда мен билан баҳслашмоқда. Мен: «Эй Жаброил, бу ким?» десам, у зот: «У болаларини тарбия қилган аёл», дедилар.

Шунинг учун қиз бола дин асл таълимотларини ўрганса, зарур ва керакли маълумотларга эга бўлса, юқори савиядаги она бўлиб етишади.

Демак, ушбу умматнинг энг биринчи қиладиган иши болалар тарбиясидир».

(Тамом)

Доктор Муҳаммад Ротиб Наблусий

Нозимахон Умарали қизи

«Ҳилол» журналининг 7(28) сонидан олинди